



Journal of
NATURAL SCIENCE

<http://natscience.jspi.uz>

№5/3(2021)

biology chemistry geography



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
TABIIY FANLAR FAKULTETI**

dotsenti, kimyo fanlari nomzodi

DAMINOV G‘ULOM NAZIRQULOVICH

tavalludining 60 yilligiga bag‘ishlangan

onlayn konferensiya materiallari



Jizzax-2021

<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф12. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.13. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц14. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.15. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц16. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.17. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)18. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц19. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)20. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц21. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц22. Инатова М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чикарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИДА ЮЗ БЕРАДИГАН
МАВСУМИЙ ЁҒИНГАРЧИЛИКНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИККА
ТАЪСИРИ**

*Равшанова Адолат Равшан қизи, ЖДПИ биология ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси ўқитувчи*

*Мамашарипова Хуршида Тугаловна, Жиззах шаҳар 11-мактаб биология фани
олий тоифали ўқитувчиси*

*Абдумажидова Зарнигор Ойбек қизи, ЖДПИ биология ва уни ўқитиш
методикаси кафедраси талабаси*

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация. Ушбу мақола Айдар-Арнасой кўллар тизимида юз берадиган мавсумий ёғингарчиликни кузатиб, ёғингарчиликнинг биохилма-хилликка таъсири ёритилган ҳамда ушбу мақоладан қишлоқ хўжалиги ходимлари ва тадқиқот ишини олиб бораётганлар фойдаланиши мумкин.

Annotation. This article tracks the seasonal rainfall in the Aydar-Arnasay lake system, highlights the impact of rainfall on biodiversity, and can be used by agricultural workers and researchers.

Аннотация. В этой статье отслеживается сезонное количество осадков в системе озер Айдар-Арнасай, освещается влияние осадков на биоразнообразие, и она может быть использована сельскохозяйственными рабочими и исследователями.

Калит сўзлар. Табиий ресурс, биологис ресурс, стратегия, оралик зона, антропоген муҳит, вегитация даври, нисбий намлик, жонли компонентлар.

Республикамизда худудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, биохилма-хилликни сақлаш, ерларнинг мелиротив ҳолатини яхшилаш, уларнинг шўрланиши ва чўлланишига қарши курашиш, ландшафтларнинг барқарорлигини сақлаш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сон “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ўзгариши учун хизмат қилмоқда.

Нурота тоғ тизмаси ва Қизилқум чўлларининг ўзаро туташган ҳудудда Айдар-Арнасой ботиғи жойлашган. Ботиқ товоқсимон кўринишга эга бўлиб, жануби-шарқдан, шимоли-ғарбга томон нишаблиги ортиб боради. Айдар-Арнасой ботиғининг ҳудуди (5 минг км² яқин) кичик бўлса ҳам биологик хилма-хиллиги билан бошқа ботиқлардан ажралиб туради. Ботиқнинг биологик хилма-хиллиги ёки бўлмаса биологик ресурслар кўплигига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган.

- Табиий географик ўрни. Ўрта Осиёнинг энг катта тоғ тизмалари ва чўлларининг ўзаро туташган оралик зонада жойлашганлиги.

- Ботиқнинг марказий қисмини Айдар-Арнасой кўллар тизими эгаллаган. Айдар-Арнасой кўллар тизими Ўрта Осиёда катталиги жиҳатидан 4 – ўринда бўлиб, майдони 3702 км² ни, сув ҳажми 44,1 км³ ни ташкил қилмоқда.


- Ботиқ ва ботиқ атрофига 4 хил муҳитнинг таъсир этиши. Айдар-Арнасой ботиғининг жанубий қисмига тоғ муҳити, шимоли-ғарбий қисмига чўл муҳити, шарқий қисмига антропоген муҳит ҳамда марказий қисмларига сув муҳити таъсир кўрсатади.

- Ботиқ мўътадил ва субтропик иқлим минтақаларининг чегараларида жойлашган.

- Ботиқнинг катта ҳудудида кенглик зоналик қонуниятига бўйсинса, жанубий қисми эса баландлик қонуниятига бўйсинади.

Юқоридаги омиллардан ташқари, вегетация даврининг узоклиги ва нисбий намликнинг юқорилиги ҳам кўпгина турдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг тарқалишига таъсир кўрсатади.

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофида ёғин миқдори тақсимланишини таҳлил қиладиган бўлсак шимоли-ғарбий ҳудудларидан жануби-шарқий ҳудудлар томон ортиб боради. Энг кўп ёғин миқдори март, апрель ойларига тўғри келса, энг кам ёғин миқдори июнь, июль ойларига тўғри келади (1-расм).



1-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофида ёгин миқдорининг йил давомида ойлар бўйича ўзгариши

Юқоридаги диаграммага эътибор қаратадиган бўлсак, Мирзачўл ҳудудида ёгингарчилик бошқа ҳудудларга нисбатан кўп кузатилган. Асосан бу ҳудудда баҳорги мавсумнинг март, апрель ойларида ва қишки мавсумнинг ноябрь, декабрь ойларида ёгингарчилик юқори бўлган.

Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофида ландшафтларнинг жонли компонентларининг яшаш шароити ва тарқалишига кўра: 1) ботиқ тагидаги шўрхок, шўрланган ботқоқ ва шўртоб ерлар; 2) қумли чўллар; 3) тоғ олди текисликлар; 4) паст ва ўртача баландликдаги тоғлар; 5) воҳалар ажратилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ғўдалов М.Р., Исмаилов Н. Айдар-Арнасой ботиғининг биологик хилма-хиллиги // Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 40-жилд.- Тошкент, 2012. –Б. 60-62 (11.00.00; № 6).
2. Ғўдалов М.Р. Айдар-Арнасой ботиғи ландшафтларининг ўзгаришига сувларнинг таъсирини баҳолаш // Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 39-жилд. – Тошкент, 2012. – Б. 15-19. (11.00.00; № 6).
3. Исмаилов Н., Қурбонов К., Усмонова С., Ғўдалов М. Айдаркўлнинг Ўрта Осиёда туганган ўрни. Иқтисодий географиянинг регионал муаммолари мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари.- Самарқанд, 2002. -Б 105-109.